

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ

2-сон

Бюллетень чиқарилган сана: 19.09.2019 й.

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

2019 йил 28 июль куни “Тест синовларига тайёргарликнинг охириг босқичи ва тест жараёнида шаффоқликни таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ташкил этилди. Тадбирда Оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар қатнашди. Анжуманда тест жараёнига тайёргарлик ҳолати, уларни ўтказиш тартиби тўғрисида батафсил маълумот берилди. Бундан ташқари, тест синовини ўтка-

зиш жараёнида шаффоқликни таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу йилги тест жараёнига ведиокамералар сонини оширилганлиги, бармоқ изларини олувчи қурилмалар, мобиль алоқаларини ишласлигини таъминловчи техник воситалар сотиб олинганлиги бўйича маълумотлар берилди.



Матбуот анжумани.

Тест жараёнини шаффоқ ўтказишда ДТМ ва тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигининг аҳамияти айтиб ўтилди.

Давлат дастури ижроси таъминланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729 сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони

ижросини таъминлаш мақсадида ДТМ ҳамда вилоятдаги бўлимлар томонидан Коррупцияни олдини олиш масалари бўйича 35 дан ортиқ учрашувлар ташкил этилди.



© Can Stock Photo

Ушбу сонда:

Бўлимлар фаолияти	2
Бўлимлар фаолияти	2
Бўлимлар фаолияти	2
Бўлимлар фаолияти	3
Бўлимлар фаолияти	3
Бўлимлар фаолияти	3
Дастур ижроси	4

Эътибор беринг!!!

•2019/2020 ўқув йили учун ОТМ кириш учун ташкил этилган тест синовларини қандай баҳолайсиз?

Яхши—51.04% Қониқарли—28.03%

Қониқарсиз—20.93%

• ДТМ фаолиятини қандай баҳолайсиз?

Яхши—45.07% Қониқарли—29.07%

Қониқарсиз—25.23%

ДТМ Навоий вилояти бўлимида: Таълим тизимидаги коррупцияга қарши кураш



Давра суҳбати

2019 йил 29 май куни Давлат тест маркази Навоий вилояти ходимлари томонидан Навоий Давлат кончилиқ институти раҳбарияти, декан ва декан муовинлари ҳамда кафедра мудирлари (47 нафар) билан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган вазифаларга

бағишланган очик давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, “Таълим тизимидаги коррупцияга қарши кураш” номли видеоролик номойиш этилди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №5729-сонли фармонининг мазмун моҳияти тушунтирилди. Очик давра суҳбати кизиқарли ва самарали мусохаба тарзда ўтди.

ДТМ Қашқадарё вилояти бўлимида: Коррупцияга қарши биргаликда курашамиз

2019 йил 21 июнь куни Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармаси, ДТМ Қашқадарё вилояти бўлими, Шаҳрисабз тумани иқтисодий депортаменти бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлимларининг раҳбар ва ходимлари, шунингдек, 430 нафарга яқин мактаб раҳбарлари иштирокида Китоб туманидаги

маданият саройининг катта анжуманлар залида “Коррупцияга



қарши биргаликда курашамиз” мавзусида учрашув ўтказилди. Унда

вилояти Халқ таълими бошқармаси, ДТМ Қашқадарё вилояти бўлими, Шаҳрисабз туман иқтисодий депортаменти бўлими бошлиқлари томонидан мавзу юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Коррупция билан боғлиқ бўлган қисқа метражли видеофильм намойиш этилди.

ДТМ Сурхондарё вилояти бўлимида йиғилиш бўлиб ўтди



Йиғилишдан лавҳа.

2019 йил 16 майда Термиз ахборот технологиялари ва туризм коллежида вилоят ички ишлар ходимлари ва ДТМнинг вилоят бўлими ходимлари иштирокида “Коррупция ва унинг олдини олиш, келиб чиқадиган оқибатлар” мавзусида кўшма йиғилиши

бўлиб ўтди. 2019 йил 23 май куни Жаркўрғон тумани Аграсаноат КХКда ПҚ -4319-сон ва ВМ-395-сон Қарорлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган топшириқлар асосида бажарилаётган ишлар тўғрисида вилоят адлия бошқармаси хо-

димлари билан биргаликда кўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда коррупция ҳолатларини олдини олиш, коррупциянинг салбий оқибатлари бўйича маърузалар қилинди.

ДТМ Фарғона вилояти бўлимида учрашув

2019 йил 14 июнь куни Фарғона давлат университетидан вилоятдаги олий таълим муассасаларининг қабул жараёнига масъул этиб белгиланган ходимлари иштирокида Ўтказилган йиғилишга Давлат хавфсизлик хизматининг Фарғона вилояти бошқармаси ходимлари таклиф қилинди.

Йиғилишда ДХХ ходимлари томонидан иштирокчиларга қабул жараёнида Коррупцияга йўл қўймаслик ва уни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиши ҳақида, Абитуриентлар ҳамда уларнинг ота-оналарига қабул жараёнида шароитлар яратиш, овозгарчиликларга, навбатларнинг кўпайиб кетишига йўл

қўймаслик ҳақида тушунтиришлар берилди.

Коррупция ҳақида ота-оналар ва абитуриентларнинг турли алдовларга ишониб қолмасликлари ҳақида тушунтиришлар бериб ўтди.



Учрашувлар самарали ўтди.

ДТМ Андижон вилояти бўлимида учрашув

2019 йилнинг май ойида вилоятдаги таълим муассасаларида ДТМнинг Андижон вилояти бўлими вакиллари иштирокида **“Коррупцияга қарши курашиш”** мавзусида учрашувлар ташкиллаштирилди.

Учрашувларда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари – қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари

устуворлиги; очиқлик ва шаффоқлик; тизимлилик; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарлик муқаррарлиги ҳақида тушунчалар берилди.

Ҳозирги куда кўп учраётган ҳолатлар бўйича, масалан, ўқишга олиб кириб қўйишни ваъда қилаётган, тест синовларига ўринга-ўрин киришини таклиф қилиш,

телефон орқали тест синовларининг ечиб бериш каби турли фирибгарлик ҳолатларидан эҳтиёт бўлиш зарурлиги таъкидланди.



ДТМ Бухоро вилояти бўлимида тадбирлар бўлиб ўтди

2019 йил 31 май куни Бухоро давлат университетида очиқ эшиклар куни муносабати билан БухДУ, ДТМ Бухоро вилоят бўлими, ХТБ, ЎРТМАКТ бошқармаси, вилоят Адлия бошқармаси ва вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда тадбир ташкил этилди.

Вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ф.Муқимов ва вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари У.Жўраевлар сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган вазифалар ва

коррупциянинг салбий оқибатлари тўғрисида ва унга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари тўғрисида кенг тушунтиришлар бериб ўтилди.



Тадбирдан лавҳалар

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани,
Боғишамол кўчаси, 12 уй.

Телефон: (71) 234-72-50
Ишонч тел: (71) 199-19-14
Эл. почта: info@dtm.uz



Тўғри йўл тангланг, адашманг?



© CanStockPhoto.com - csp51064008

ДТМ ишонч телефонига
кўнғирок қилинг
(71) 199-19-14

Эл. почта: info@dtm.uz

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси томонидан 2019 йил 30 августда тасдиқланган “Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш ва “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 30 августдаги 19/ққ-15 “а”-19-сонли хати) ижросини таъминлаш мақсадида Давлат тест маркази директорининг 2019 йил 6 сентябрда №01-516-сонли буйруғи қабул қилинди.

Буйруқ асосида ушбу “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминловчи Ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Тест синовлари жараёнида шаффолик таъминландими?



Биз-коррупцияга қаршимиз.
Сизчи?

Давлат тест маркази-да 2019 йилнинг 27 сентябрь кuni соат 15:00 да Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-5729 -сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан ўтказиладиган “Тест синовлари жараёнида шаффолик таъминландими?” мавзусида давра суҳбати ташкил этиш режалаштирилмоқда.

